

ISLAMONLINE.UZ

TAVORIX

Исмоилбек
Гаспиринский



Хонларга хитоб



Бир-икки сўзда давлатли хонларга сўйламок истаймиз, афу буюрсинлар. Эй давлатлилар, идорангизга омонат килинган Худо бандаларига бу кун, бу замонда кила оладиган бир хизмати олиянгиз бор бўлса, у хам маърифат таркатиш оркали мусулмонларни зиё нури билан зиёлантириш ишидир. Фукаройи ислом сизлардан мол сўрамайди, ош сўрамайди. Дин Куръондан, жон Худодан. Сиз, давлатли хонлардан аҳолига эхсон килинадиган бир нарса маърифат таркатувчи, билим ва камолотга етакловчи олий даражалик маориф мактабларидир. Кўхна мадрасалар кўп, Бухоройи шарифда ва Хивада хозирги пайтда бирор «дорилфунуни исломия» таъсис килиниши

керак.

Бу дорилфунунларга бир даража илм, дин тахсил этмиш талаба ва авлоди сипох кабул килиниб, тарих, жугрофия, кимё, хандаса, илми хукук, усули идорайи давлат, илми иктисод ва бошка зарур фанлар форсий, туркий, русий ва француз тилларида ўқитилиши керак.

Ушбу дорилфунунларга муаллим ва мударрис бўладиган ахли камол бордир.

Бу фанларни Русияда ёки Европада ўрганган мусулмонлар Русияда бор... Даъват килинсалар, булардан мол учун, нон учун эмас, миллат юксалиши учун хурсандлик ила хизмат киладиганлари топилади.

Рус хукуматига келсак, нашри маориф (маорифни ёйиш)га тўскинлик килмас, интишори маориф хавасида ва маслакидадир. Маорифсизлик балосини ўзида бу замонда кўриб, кечирди.

Эй давлатлилар! Кечмиш замон гафлати билан Мовароуннахр майдони сиёсатда маглуб бўлиб, истиклолини йўкотди. Бу замонда гафлатда бўлинса, майдони иктисод ва маишатда миллат маглуб бўлиб, бунга сабаб бўлганлар дунё тургунча масъул хисобланадилар. Жаноби Хак хайрли ишларга муяссар айласин.

«Таржимон» г., 1906 й., 89-сон

Исмоилбек Гаспиринский